



ТАБРИКНОМА

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ТАБРИГИ

download from website [http:// www.andijan.uz](http://www.andijan.uz)

Андижон вилояти ҳокимлиги

**Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдурахмоновнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб вилоятда ўтказилган катта байрам тантанаси қатнашчиларига
ТАБРИКСЎЗИ**

**Ассалому алайкум, азиз юрtdошлар,
Ҳурматли меҳмонлар,**

Жаннатмакон Ватанимиз Мустақиллигининг қутлуғ 24 йиллиги билан Сиз - азизларни, Сизлар орқали вилоятимизнинг барча аҳолисини, авваламбор қадрли отахон ва онахонларимизни, меҳнаткаш ва фидокор ҳамюртларимизни, ёшларимизни чин қалбимдан қизгин табриклашга ижозат бергайсизлар!

Азиз юрtdошлар!

Мустақиллик биз учун миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, муқаддас ислом динимизни, буюк аждодларимизнинг табаррук номларини улуғлаш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятларни очиб берди.

Тарихан қисқа даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 5,5 баробардан кўпроқ ўсди. Аҳолининг реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда 9 баробар ошди. Бунга эришиш учун ўтган давр мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётига 190 миллиард доллар ҳажмидаги инвестициялар жалб этилди.

Натижада биз учун мутлақо янги бўлган автомобилсозлик, нефт ва газ кимёси, нефт-газ машинасозлиги, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқларга асос солинди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида мамлакатимизда **“Андижон мактаби”** яратилди. Гўшт, сут, картошка, сабзавот, мева ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бир неча бараварга ортди.

Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик кескин ривожланди. Натижада юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб борапти.

Бу ўз навбатида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмининг ҳуқуқ ва манфаатларини, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш соҳада олиб борилаётган ишларимизни янада кенгайтириш имконини берапти.

Мамлакатимиз эришаётган ютуқ ва марралар дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётгани, иқтисодиёти энг тез ривожланаётган 5 та мамлакатдан бирига айлангани, «Бутунжаҳон бахт индекси»да Ватанимиз 158 та мамлакат орасида 44-поғонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчи ўринни забт этиб тургани қалбимизни ифтихор туйғуларига тўлдиради.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Ҳар йили мустақиллик байрами арафасида мамлакатимиз ишлаб чиқаришда, иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларда, тинчлик ва осойишталикни

таъминлашда алоҳида ўрнатилган фуқаролар давлат мукофотларига сазовор бўладилар. Бу йил ҳам 20 нафардан ортиқ ҳамюртларимиз давлат мукофотларига лойиқ деб топилдилар.

Энг қувонарлиси шуки, икки йилдан буён вилоятимиз фаоллари вакили “Ўзбекистон Қаҳрамони” деган юксак унвонга сазовор бўляпти. Бу йил устозимиз, ўзининг ҳалол ва ибратли ҳаёти билан эл-юртда эъзоз топган инсон **Топволдиев Таваккал Темирович** мамлакатимизнинг ана шундай энг юксак мукофотига лойиқлар сафида бўлди. Бу муҳтарам Президентимизнинг биз андижонликларга бўлган алоҳида эътибори натижасидир.

Сизларнинг гулдирос ва давомли қарсақларингиз билан мукофотланган барча ҳамюртларимизни самимий табриклаймиз.

Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек, Андижон кўпгина соҳаларда ўзбек халқининг ибрати, ислохотлар ҳаракатининг намунаси сифатида кўзга ташланиб, тан олинмоқда.

“Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним - Ўзбекистоним” шиорини қалбига жо этган вилоятимиз аҳолисининг самарали фаолияти эвазига кейинги даврда, йилига ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 6 фоиздан ортиқроққа, саноатда 21 фоизга, қишлоқ хўжалигида ўсиш яқин 7 фоизга, қурилишда 13.5 фоизга ортапти.

Бу йил вилоятда 145 та объектлар қурилиши, реконструкция қилиниши белгиланган бўлиб, бу 61 та ижтимоий соҳа, 84 та ичимлик суви объектлари қурилишидир. Ўтган 7 ойда 103 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, йиллик режанинг 95 фоизи удаланди.

Шу жумладан 10 та соғлиқни сақлаш объектларида 26 миллиард сўмликдан ортиқ иш бажарилиб, 6 та иншоот фойдаланишга топширилди. 10 та касб-ҳунар таълими тизими объектларида қурилиш-таъмирлаш ишлари деярли 100 фоизга бажарилди. 21 та умумтаълим мактабларидаги йиллик қурилиш таъмирлаш ишлари ҳам 7 ойда 98 фоизга якунланиб, 20 та объект фойдаланишга топширилди.

Вилоятимизда ёш оилаларга етарли шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилляпти. Бу йил 144 хонадонга мўлжалланган 3 та кўп қаватли **“Камолот уйлари”** қурилиши ниҳоясига етказилляпти.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида бу йил 125 километр сув тармоқлари ва 39 та сув қудуқлари қурилиши белгиланган бўлиб, режа деярли 100 фоизга бажарилди.

Энг муҳимларидан бири, вилоятда халқаро ва давлат аҳамиятига молик умумфойдаланувдаги автомобиль йўллари капитал таъмирлаш йиллик режаси 7 ойда 101 фоизга уддаланди. Ички йўллар қурилиши ва таъмирланиши бўйича режа асосида яқин 70 километр йўл қурилиши ишлари 20 август ҳолатига тўла бажарилиб, халқимизга байрам туҳфаси сифатида фойдаланишга топширилди.

Вилоятда 13 та болалар спорти объектларида 12 миллиард сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди. Андижон машинасозлик институтининг ўқув биноларида яқин 7 миллиард сўмлик реконструкция ишлари уддаланди.

Қишлоқ жойларда намунавий уйлар қурилишида катта ижобий ўзгаришлар бор. Бу йил қуриляётган 1060 та намунавий уйларнинг яқин 700 таси битказилиб, аҳолига байрам совғаси сифатида топширилди.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, Андижон шаҳрининг 20 дан ортиқ кўчаларида катта қурилиш ишлари жадаллик билан олиб бориляпти. Аҳолини замонавий уй-жойлар билан таъминлаш учун бу йил Андижон шаҳрининг ўзида 18 та кўп қаватли уйлар қуриляпти. Уларнинг 2 таси қуриб битказилди.

Эски Олтинкўл кўчаси **Мустақиллик шоҳкўчаси** номи билан қайта қурилиб, олти қаторли катта йўлга айланыпти. Атрофида бир неча ўнлаб кўп қаватли турар-жой бинолари, болалар майдончалари, гузарлар барпо этилади. Уларнинг биринчи қаватларида аҳолига хизмат кўрсатувчи савдо, ижтимоий-маданий ва маиший шаҳобчалар очилади.

Хусусан, деҳқон бозорининг тубдан қайта қурилиши суръати ортыпти. Бозор қурилишида қатнашаётган тадбиркор ва қурувчиларимиз: **катта Фарғона канали 45 кунда қурилган бир пайтда биз битта бозорни тез кунда қуролмаймизми**, деб ҳар бири ўзига алоҳида мажбурият олиб ишляптилар.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида вилоятга янги автобуслар олиб келинди. Уларнинг сонини 100 тага етказиш кўзда тутилган.

Одамлар дам олишлари учун кўплаб кўкаламзор майдонлар, муסיқали рангли фавворалар яратилди. Уларнинг ҳаммаси бугун шу тантанада иштирок этаётган Сизлар ва бутун Андижон аҳлининг самарали меҳнатлари натижасидир.

Ҳурматли ҳамюртлар!

Пиллакорлар ва ғаллакорларимиз бу йил учун олган мажбуриятларини ошириб бажардилар. Тажрибали мутахассисларнинг кўп йиллик кузатувларига кўра далаларимизда пахтадан мўл ҳосил яратилди. Ишонаманки, фидокор пахтакорларимиз бу йил ҳам

Муҳтарам Президентимиз ва ҳукуратимизнинг юксак ишончини шараф билан оқлайдилар.

Вилоятда қўлга киритилаётган ютуқларга нуроний отахонларимиз, мўътабар онахонларимиз қўшаётган катта ҳиссаларини фахр билан таъкидлайман. Ёшларимизнинг Сиздек улуғ инсонларга эргашиб, комил инсон бўлиб етишлари Сизларнинг самарали меҳнатларингиз натижасидир.

Барча бунёдкорлик ишлари, шодиёналар, тўкин-сочин дастурхонимиз, фаровон турмушимиз, фарзандлар камоли тинчлик ва осойишталикнинг мевасидир.

Шуни ишонч билан айтаманки, вилоятимиз аҳли мамлакатимизнинг гуллаб - яшнаши йўлида Муҳтарам Президентимиз томонидан олиб борилаётган улуғвор ишларни амалга оширишда бундан буён ҳам пешқадамлар сафида бўладилар.

Бахтимизга Юртбошимиз доимо соғ-омон, истиқлолимиз абадий, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Яна бир бор байрам муборак, азиз юртдошлар.

Эътиборингиз учун раҳмат!